ПАХТА ТЕРИМИДА

Бугун механизаторларнинг область слёти очилади.

Слёт қатнашчиларига алангали салом!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши | № 169 (4628). | 26 август, 1972 йил, ШАНБА | Баҳоси 2 тийин



МЕХАНИЗАТОР

Механизатор. Бу касб эгаси ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик ишларида ҳал қилувчи куч бўлиб қолди. У деҳқон мададкори, қўшқаноти. Далаларда, ферма ва боғларда механизатор ҳамма вақт олдинги сафда. Механизаторлар қишлоқда ишчилар синфининг вакилларидирлар. Улар ўз меҳнатлари, касбларини ҳурмат қилишлари, ҳамма вақт маҳорат ва гайрат кўрсатиб ишлашлари билан кўпчилик ўртасида ҳурмат қозонмоқдалар, ҳақиқатан ҳам етакчилик ролини ўйнамоқдалар. Механизатор иштирок этмаган бирор иш йўқ. Кузда ва қишда, кўклам ва ёзда, йилнинг ҳамма фаслида улар иш боши.

Ҳозирги пайтда ўз фидокорона меҳнати билан донг таратган ва республикамиздагина эмас, мамлакатимизда ҳам машҳур бўлган ажойиб механизаторларимиз борки, биз улар билан ҳақли суратда фахрланамиз. СССР Олий Советининг депутати, Ленин мукофоти лауреати, Янгийўл районидаги Киров номли колхозининг донгдор механизатори Турсуной Охунова ана шундайлардандир. У аёллардан биринчи бўлиб, республикамизда техникани бошқара бошлади. Турсуной дастлабки кунларданоқ механизацияга кўнгил қўйиб, шу касбни ўзининг ҳақиқий касби қилиб олди. Т. Охунова фақатгина оддий механизаторгина бўлиб қолмай, деҳқонлар учун ишлаб чиқарилаётган янги машиналарни синовдан ўтказадиган, уларнинг ками-кўстини кўрсатиб бера оладиган уста, билимдон механизатор ҳам бўлиб қолди. Бугунги кунда унинг издошлари фақат республикамизда эмас, пахтакор республикаларнинг ҳаммасида ҳам кўплаб борки, улар бизнинг Турсунойни фахр билан устозимиз деб атайдилар.

Ўз «пўлат от»ни моҳирлик билан бошқаришда Бекобод районидаги «Победа» колхозининг механизатори Ҳошим Шоймоонов, 1-«Пискент» совхозидан Султон Тошматов, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Қидирбой Мамлонов, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозидан Ҳайитқул Ҳамроев, Бўка районидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев, шу совхоздан Абдусаттор Сулаймонов, Оққўрғондаги Ҳамид Олимжон номли колхозидан Усмон Юсупов, Бўка районидаги Ҳамза номли колхозидан Азимжон Сангинов ва шуларга ўхшаш жуда кўп механизаторларимиз борки, улар ҳақиқатан ҳам техника жиловини бошқаришда ўрнак бўлмоқдалар, деҳқончиликни комплекс механизациялаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Машинада пахта теришни намунали ташкил этишда Оққўрғон райони ўрнак бўлаётир. Бу район механизаторлари ҳар йили ҳам ишни жадал бажариб, олдинги сафда бормоқдалар. Бу йил улар давлатга топширадиган 90 минг тонна пахтанинг 68 минг тоннасини «зангори кема»лар билан териб олишга қарор қилганлар.

Ўтган йили Юқори Чирчиқ район механик-ҳайдовчилари машиналардан фойдаланишда ибратли иш қилдилар. Улар пахта териш йиллик планини областда, ҳатто республикада биринчилар қаторида бажарилишини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳар бир машина билан район бўйича 103 тоннадан пахта териб олинди ва агар «зангори кема»лардан фойдаланиш ҳақиқатан ҳам яхши йўлга қўйилса, улар билан янада кўпроқ пахта териш мумкин эканлигини амалда кўрсатдилар. Юқоричирчиқликлар бу йил иш суръатини янада ошириб, ҳар бир машина билан ўртача 110 тоннадан пахта териш режаларини тузиб қўйдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали ҳам терим машиналаридан кўнгилдагидек, мақсадга мувофиқ фойдаланмаётган хўжаликлар бор. Бундай хўжаликларни илғор ҳисобланган районларда ҳам топиш мумкин. Ўтган йили шундай фактлар содир бўлдики, машиналар иши тўғри ташкил этилмаганлиги, уларнинг икки сменада ишлатилиши йўлга қўйилмаганлиги, механизатор кадрлар тайёрлашга етарли эътибор берилмаганлиги натижасида терим машиналарининг иш унуми бирмунча паст бўлди. Ана шундай колхоз ва совхозларда йил охиридаги ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, уларда машиналарнинг умумий иш унуми 45—50 тоннадан ошмади. Ишчилар синфи етказиб бераётган мукаммал «зангори кема»лар билан шу миқдорда пахта терилиши машиналарнинг умрини бекорга ўтказиш, демакдир.

Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни тақозо қилмоқдаки, агар ғўза машинабоп қилиб ўстирилмаса, ёки далалар «зангори кема»ларнинг нормал ишлаши учун ўз вақтида яхши тайёрланмаса, энг муҳими кадрлар пухта ўқитиб ўргатилмаса, машиналарнинг иш унуми кўнгилдагидек бўлмайди.

Бу йил областимиз далаларида минглаб пахта териш машиналари ишлатилади. Областимиз механизаторлари ҳосилнинг 75 процентини «зангори кема»лар билан териб олишга қарор қилганлар. Бу жуда катта мажбурият. СССРнинг 50 йиллигини муносиб совға билан кутиб олишга аҳд қилган шонли механизаторларимиз ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

Вазифа шундан иборатки, терим агрегатлари шу кунлардаёқ тахт қилиб қўйилсин. Бунда машиналарнинг тўхтовсиз, унумли ишлаши назарда тутилган ҳолда иш олиб борилиши зарур. Бу йил механизаторлар армияси янада кўпаяди. Пискент ва Ўрта Чирчиқдаги, областимизнинг бошқа районларидаги механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курслари ва мактабларида жуда кўп ёшлар техник билимларини ошириб, ўз колхоз ва совхозларига бормоқдалар. Маҳаллий партия ташкилотлари, колхоз правлениелари, совхозларнинг маъмуриятлари ёш механизаторларга алоҳида ғамхўрлик қилишлари, уларнинг дастлабки йилдан унумли ишлашлари учун қулай шароитларни яратиб беришлари, ёшлар ўртасида илғор механизаторлар тажрибасини кенг ёйишлари керак. Ҳар бир ёш механизатор ўз маҳоратини ошириш учун қунт билан ишлаши, касбига меҳр қўйиши, механизаторлик шон-шуҳратини улуғлаш учун курашиши зарур, шундагина у эл ҳурматига сазовор бўлади.

Йиғим-терим даврида механизаторлар ишнинг сифатли бажарилишига алоҳида эътибор беришлари, ғўза тупларидаги пахтанинг ҳаммасини сира тўкмай терилишини таъминлашлари, бунинг учун машиналарни моҳирлик билан бошқаришлари зарур.

Ҳар йилдагидек, бу йил ҳам йиғим-терим палласида механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнасинлар. Бу уларнинг она-Ватан, халқимиз олдидаги шарафли бурчларидир.

ТЕХНИКА —

БУ ЙИЛ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАШИНА БИЛАН ҚАНЧА ПАХТА ТЕРИЛАДИ?

ОҚҚЎРҒОН	68 МИНГ ТОННА	БЎКА	37 МИНГ ТОННА
ЎРТА ЧИРЧИҚ	45 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ	ЧЕКОБОД	37 МИНГ ТОННА
		ПИСКЕНТ	27 МИНГ ТОННА
ЯНГИЙЎЛ	42 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ	ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	20 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ

ОБЛАСТЬ БЎЙИЧА 260 МИНГ ТОННА

САККИЗ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг берган хабарига қараганда, Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари тўққизинчи беш йиллик иккинчи йилнинг планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, саноат маҳсулотини ва бошқа бир қанча муҳим буюмларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш саккиз ойлик планини 25 августда муддатидан олдин бажардилар.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ОҲАНГАРОН. «Тошкент» от заводида чорва озуқаси тайёрлаш давом этмоқда. Хўжаликда 2300 ўринга 3540 тонна сенаж бостирилди. Беданн иккинчи марта ўриш тугалланайдеб қолди. Дағал хашак тайёрлаш ишлари бўшаштирилмаяпти. Силос бостириш ҳам бошланиб кетди.

Шунингдек, 4-«Оҳангарон» совхози чорвадорлари ҳам мўлқўл ем-хашак тайёрлашда фаол қатнашмоқдалар. Мавжуд ишчи кучлари ва техникадан самарали фойдаланилиши сабабли ўтган йилга нисбатан озуқа тайёрлаш анча жадал кетяпти.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ КЎКЧАТОВ ШАҲРИГА КЕЛДИ

1972 йил 24 августда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Кўкчатов шаҳрига келди. Ўртоқ Л. И. Брежневни аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Д. А. Кунаев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари Б. А. Ашимов, Н. Г. Ляшченко, В. К. Месяц, С. Б. Ниёзбеков, В. К. Севрюков, область партия комитетларининг биринчи секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари, область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари, республика министрлари кутиб олишди.

Э. ХОНЕККЕР 60 ЁШГА ТЎЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

СССР Олий Совети Президиуми Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **Эрих Хонеккерни** СССР билан ГДР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда жуда катта роль ўйнаганлигини, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшганлигини тақдирлаб, туғилганига 60 йил тўлганлиги муносабати билан **Ленин** ордени билан мукофотлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Э. Хонеккерга табрикнома йўлладилар.

(ТАСС).

КИТОБ КЎРИГИ

24 август куни Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат Комитетида республика китоб кўргазмаси очилди. Кўргазма СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига ва халқаро китоб йиллигига бағишланди.

Кўргазмага қўйилган экспонатлар Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда китоб нашриётчилигининг ривожи тўғрисида ҳикоя қилади, социалистик ва коммунистик қурилишда китобнинг ролини тасвирлайди.

Стендларга Тошкент ва Нукусдаги еттита китоб нашриёти — «Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номли, «Ўқитувчи», «Фан», «Ёш гвардия», «Медицина», «Қорақалпоғистон» маҳсулотининг намуналари қўйилган. 1971 йилда бу нашриётлар жами 37 миллион нусхада 1606 та китоб чиқарди.

Ўзбекистонда нашр этилган китоблар барча қардош республикаларга юборилади, уларни дунёдаги 38 мамлакат олади.

8 сентябргача очиқ турадиган кўргазмада нашриётлар, полиграфиячилар, китоб савдоси, рассомлар кунларини ўтказиш мўлжалланган.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА КОМИТЕТИ АЪЗОЛАРИГА, XX ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИГА ВА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

1972 йилги энг муҳим спорт воқеаси — XX ёзги олимпиада ўйинлари ташкилотчилари ва қатнашчиларини самимий табриклаймиз.

Ҳозирги замон олимпиада ўйинлари физкультура ва спортни ривожлантиришнинг катта стимули. Ер юзидаги барча қитъа спортчилари алоқасининг муҳим воситаси бўлиб қолди.

СССР ҳукумати мамлакатда спорт ҳаракатини бутун чоралар билан рағбатлантиради, бу спорт ҳаракати инсонни ҳар томонлама гармоник ривожлантиришга, унинг мустаҳкам сиҳат-саломатлиги ва ижодий активлигини узоқ йиллар мобайнида сақлаб қолишга хизмат қилади. Бизнинг мақсадимиз физкультура ва спорт ҳар бир совет кишисининг кундалик ҳаётига маҳкам кириб бориши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришдан иборат. Совет Иттифоқида ана шу муҳим социал вазифани ҳал этиш учун шарт-шароитлар доимо яхшиланиб бормоқда.

Совет давлати ташқи сиёсатда тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принципларга оғишмай амал қилиб, фаолияти халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни ва тинчликни мустаҳкамлашга қўмаклашадиган ижтимоий кучлар ва ҳаракатларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келмоқда. Олимпиада ўйинлари ҳам ана шу олижаноб ишга ҳизмат қилиши керак.

Ўйинларда жуда катта спорт ютуқларига эришиш учун бўлган интилиш, ҳалол спорт кураши руҳигина эмас, балки ёшларнинг тинчлик, тараққиёт ва демократия манфаатлари йўлидаги ҳамкорлиги ва жипслиги ҳам намойиш қилинсин.

XX олимпиада ўйинлари ташкилотчиларига олимпиада ўйинларини ўтказишда муваффақиятлар, спортчиларга эса ғалаба шоду хуррамлиги, спортда янги ютуқларга эришувларини тилайман.

СССР Иттифоқи Министрлар Советининг раиси.

А. КОСИГИН.

АСОСИЙ КУЧ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА ВАТАНГА 400.000

СЎЗ-50 ЦЕНТНЕРЧИЛАРГА

МАШИНАДА 320 ТОННА



Эрта баҳор ерга чигит ташланганда звеномиз коллектини ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил оламиз, деб аҳд қилишган эди.

Яхши ният билан ташланган уруғ бир текис унib чиқди. Уни парваришлаш, серҳосил қилиб ўстириш деҳқонларнмизнинг тажрибасига ва маҳоратига боғлиқ эди. Улар астойдил меҳнат қилишди. Натижа ёмон бўлмади. Ер бетини қоплаган ниҳоллар тобора ривожланиб, бўйига бўй қўшди.

Мана, ҳозирги кунларда коллективимизнинг қувончи чексиз, чунки, пайкалларда мажбурнятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди.

Янгийўлликлар ташаббуси барчани меҳнатга, зиммага янги мажбурият олиб ишлашга ундади. Бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб сўз бердик. Менинг ўзим эса машина билан 320 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб бераман. Ҳосилнинг ҳаммасини «зангори кема»лар билан териб оламиз. Ҳозир теримга шай бўлиб турибмиз.

Э. АЛИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози звено бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати.

„ЗАНГОРИ КЕМА"ЛАР МАДАДКОРИМИЗ



Ўтган хўжалик йилида звеномиз аъзолари давлатга 155 тоннадан ортиқ сифатли пахта топшириб, йиллик планни анча ошириб адо этган эдилар. Қўлга киритилган шу юксак ва катта муваффақиятни бу йил янада мустаҳкамлаш учун зиммага олинган мажбурият олганмиз. Ҳар гектар ердан эллик центнердан пахта етиштириш деҳқонларимизнинг жанговар шиори бўлиб қолган.

Пахтачиликни ривожлантириш, унинг ҳосилдорлигини оширишда техниканинг роли катта. Эгат ораларини культивациялаш, йиғим-терим ишларини ҳам асосан техника билан бажариш хўжаликка катта иқтисодий фойда беради.

Мен бир неча йилдан бери шу колхозда тракторчилик қиламан. Ез бўйи трактор ғўза қатор ораларига ишлов бериш кишидан катта маҳорат ва тажриба талаб этади. Мен ўз агрегатим билан бу йил 200 тоннадан ошириб пахта териш мажбуриятини олганман. Совет Иттифоқининг 50 йиллик тўйи шарафига ҳам шундай мажбурият олганмиз.

К. АМИРШОЕВ,
Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз звено бошлиғи.

МАШИНА ТЕРИМИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРАМИЗ

ПАХТАЧИЛИКНИ йилдан-йилга юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган совхозимиз деҳқонлари улкан ишларни амалга оширмоқдалар.

Совхозимиз бундан беш-олти йил илгари Кўкорол чўлида ташкил этилган эди. Бу ерга келган кишилар яхши ният билан янги ер ўзлаштириш, чўлни обод қилиш, боғ-роғлар яратиш ишқи билан меҳнат қилишди. Натижада бир-икки йил ичида хўжалик оёққа туриб, пахта етиштиришда районда салмоқли ўринни эгаллади.

Чўл ичкарисига кирилган сари ер бағрини очаяпти. Деҳқонлар янги хазина тилсимини топиб, давлат хирмонига қимматбаҳо «оқ олтин» тўкишмоқда. Ўтган йили салкам 4,5 минг тонна пахта йиғиб олишди.

Деҳқонларимиз бу йил зиммаларига улкан мажбурият олиб ишлашмоқда. 2,5 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорлик 5—6 центнерга кўпайтирилиб, давлат хирмонига пландаги 4 минг тонна ўрнига 4600 тоннадан ортиқ пахта териб берилади.

Пахтакорларимиз эрта баҳордан бери далаларда юксак мажбурлятни қоплайдиган даражада ҳосил тўплаш нияти билан тер тўкишди. Ғўза парвариши агротехника муддатларида олиб борилди. Озиқлантириш, суғориш ишлари намунали ўтказилди. Натижада майдонларда ғўзалар серҳосил бўлиб вояга етмоқда. Бу йил иқлим анча инжиқ келди. Тез-тез ҳаво айниб, ёмғир, дўл, жала ёғди. Булар пахтанинг ривожига, ҳосилига таъсир қилмай қолмади, албатта. Деҳқонларимиз дарҳол ғўза ривожини яхшилаш тадбирларини амалга оширдилар. Ерни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш йўлга қўйилди.

Ғўза парваришини яхшилашда сувчиларимиз роли катта бўлди. Бизнинг чўл шароитида ғўзани суғориш катта тажриба талаб этади, чунки, майдонларимиз паст-баланд ерлардан ташкил топган. Чўл тупроғи эса донмо сувга ташна. Бу шароитда ғўзани қондириб суғориш сувчиларимизнинг маҳоратига боғлиқдир.

Сувчилик касбини яхши эгаллаган М. Пашалиев, И. Искандаров, Н. Оқмўлдаев, Д. Розиқов, М. Расулов каби мирқишлоқлар ғўзаларни саратон сувига қондириш, эгат ораларига шарбат оқизиш ишларини пухта, уюшқоқлик билан ташкил этдилар.

Июль ва август ойларида ғўза парвариши юқори агротехника қоидалари асосида олиб борилди. Зараркунандаларга қарши кураш ҳам кескин тус олди. Ҳашарот тушган майдонлар аниқлангач, самолёт ёрдамида заҳарли химикатлар сепилди. Натижада ҳашаротларнинг кўпайиши ва тарқалишига йўл қўйилмади.

Шу кунларда ҳар туп ғўзада 8—10 тадан бўлиқ кўсак бор. Бу уста пахтакорларимиз, механизатор ва сувчиларимизнинг самарали меҳнати натижасидир. Хўжалигимизда пахтачиликда катта тажрибага эга бўлган ажойиб деҳқонлар бор. Хўжам Алимбетов бошлиқ бўлим бу йил 650 гектар пахта майдонида 1130 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган. Бўлим далаларида мажбурлятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди. Эрмонтой Аҳмолдоев, Норча Муродов, Асқар Қулбеков, Мирҳолдор Холбоев, Тошболди Сотиболдиев бошлиқ бригада далаларида мўл ҳосил тўпланмоқда.

Пахтачиликни ривожлантириш ва ғўза парваришини намунали ўтказишда деҳқонларимиз мададкори бўлган механизаторларнинг ҳиссаси каттадир. Хўжалигимизда кўпгина ишлар фақат механизмлар ёрдамида бажарилади. Йиғим-терим ишларида ҳам асосан техника катта куч ҳисобланади.

Бу йил деҳқонларимиз ёз бўйи ғўзаларни машина теримига мослаб ўстиришга ҳаракат қилдилар. Ғўзалар сершох, серҳосил бўлиб ўсди. Ҳозирги кунда хўжалигимизда машина терими-га пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ғўза парваришини давом эттириш билан бир қаторда терим агрегатлари ва бошқа асбоб-ускуналар сифатли ремонтдан чиқарилмоқда. Бу йил биз машина ремонтига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Чунки, машина теримининг намунали ўтиши, шу кунларда амалга ошираётган ишларимизга боғлиқдир. Пухта ремонт қилинган трактор мавсум бўйи бенуқсон ишлайди. Ремонтдан чиқарилган агрегатларни қайта-қайта синаб кўриш, механизмларни кўздан кечириш ҳам яхши натижа беради. Айниқса, пахта йиғим-теримни қизғин давом этаётган кунларда терим машиналари бенуқсон ишласа, терим суръати ошади, пахтанинг сифати яхши бўлади.

Ҳозирги пайтда далаларни бегона ўтдан тозалаб, машина теримига тайёрлаш ишлари ҳам олиб бораяпти. Шунингдек, охирги сувдан кейин ғўза қатор ораларига культивация солиш терим пайтида «зангори кема»-ларнинг эгат ораларида текис юришига қулайлик туғдиради.

Шу кунларда дефолиацияга тайёргарлик қизғин. Ҳозиргача барча дефолиантлар келтириб қўйилди. Шунингдек, бир ярим минг гектар майдондаги ғўза трактор ёрдамида дефолиация қилинади.

Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш механизаторларимизнинг, маҳоратига боғлиқ. Улар машина теримида пахтани тўкмасдан териш учун ҳозирдан тайёргарлик кўришмоқда.

Дала ишларини намунали ташкил этиб, машина теримига пухта ҳозирлик кўраётган деҳқон ва механизаторларимиз бугунги кунда янада ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг нияти ҳар йилгидан мўл ва сифатли пахта териб олишдир.

Х. АБДИЕВ,
Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг директори.
А. ГАББОСОВ,
совхоз бош инженери.

ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШАЁТГАНЛАР

Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозининг 3—бўлимидаги Кулча Бозорбоев бошлиқ бригада аъзолари пландаги 26,5 ўринга 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Август ойи ҳосилга ҳосил қўшишда зарбдор ой эканлигини яхши билган азамат пахтакорлар ишни сира бўшаштирмадилар. Ғўза парваришини давом эттирмоқдалар. Ҳозиргача беш марта культивация қилинди. Чеканка қилишни совхозда биринчилар қаторида тугалланди. Ғўзалар соғлом ва бақувват бўлиб ривожланмоқда.

Бригадада айни кунларда иш айниқса қизғин. Пахта далаларини кезар экансиз, ҳосил шохларидаги шода-шода кўсаклар бунёд этишда ғўза қатор ораларини агротехника қоидалари асосида парвариш қилаётган А. Тожибоев, Р. Маматқулов Ш. Қодиржиёзова, М. Эгамқулова, Қ. Аҳмедова, К. Қосимова, Б. Каримова каби меҳнатсеварларни кўрасиз.

А. РАЙИМҚУЛОВ.



✦ ЯНГИЙЎЛ районидаги «Ленинизм» колхозининг Ўрмон Охунов бошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаганлар. Ҳозир далаларда пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Суратда: бригаданинг илғор механизатори Меливой Бегалиев ғўза ҳосилини кўздан кечирмоқда.

Ф. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

✦ ХАТИРА САЙФИДДИНОВА Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозининг пешқадам механизаторларидан саналади. У бу йил ўз терим машинаси билан 180 тоннадан ортиқ пахта териб беришга аҳд қилган. Суратда: Х. Сайфиддинова чопиқ тракторида.

Э. ТЎРАЕВ фотоси.



ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ҳозирги шароитда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини жадал суръат билан ривожлантиришда замонавий техникадан кенг ва унумли фойдаланиш ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Кейинги йилларда пахтачиликдаги асосий иш жараёнлари, айниқса пахта теримини механизациялаш соҳасида катта ишлар қилинди. Натижада қишлоқ хўжалик машиналарининг иш унумдорлиги ошиб, маҳсулот етиштириш учун қилинадиган меҳнат сарфи кескин камайди. Бир центнер пахта етиштириш учун 4—5 киши куни, илғор хўжаликларда 1,2—2 киши куни сарф қилинмоқда.

Бу йилги пахта ривожи ўтган йилдагига қарағанда анча фарқ қилади. Чунки, об-ҳавонинг паст келиши, ғўзанинг пишиб етилишига салбий таъсир кўрсатди. Пахта териш мавсуми яқинлашиб қолди. Энди терим агрегатларидан рационал фойдаланиш тадбирларини кўриш лозим. Эгат оралари, ўқ ариқлар, умуман пахта далаларини бегона ўтдан тозалаш зарур. Далани қанчалик кўп ўт босса, машинада терилган пахтанинг салмоғи шунчалик камаяди, ерга тўкилган пахтанинг миқдори ортади, сифати бузилади. Шунинг учун барча майдонлардаги ғўзаларни бегона ўтлардан тозалашга алоҳида эътибор бериш керак. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўт босган далаларда машина билан пахта терилганда ҳар гектар майдонда 220 килограммгача пахта ерга тўкилади. Кам ўт босган далаларда эса шундан уч баробар кам бўлади.

Ғўза барглари терим олдидан дорилаб тўкдириш машина теримининг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Ғўза барглари яхши тўкилтирилмаган далаларда терим машиналари нормал ишлай олмайди, чунки, барглар шпинделларнинг тузук ишлашига халақит беради, машинанинг иш унумини камайтиради. Ғўза барглари дорилаб тўкдирилган далаларда пахтанинг пишиб етилиши анча тезлашади.

Терим машиналарининг иш унуми эса қариб икки баравар ошиши мумкин.

Ғўза барглари эрта муддатларда дорилаб тўкдирилганда, пахта ҳосили камаяди. Шунинг учун ғўзанинг биологик жиҳатдан етилишига иқлим шароитига қараб, дефолиацияни ўз вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Майдонларни машина теримига тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун терим олдидан участканинг бош ва этак қисмидан 8—9 метр кенгликда қайрилиш майдончаси тайёрланади, дала ўртасидаги ўқ ариқлар охирги сувдан кейин, ер етилиши билан оқ кўмиб текисланади. Охирги культивация, ўқариқлар ва қайрилиш майдончалари ўз вақтида тайёрланса, кесак кўчишининг олди олинади. Бу эса терим пайтида машиналарнинг равон юришини таъминлайди.

Пахта териш машиналарининг технологиясидан тўғри фойдалана билиш ҳосилнинг сифатли териб олишни таъминлайди ва иш унумини юқори бўлади. Биринчи машина теримини дефолиациядан сўнг пахта 55—60 процент, иккинчи теримни 20—25 процент очилганда бошлаш мақсадга мувофиқдир. Машиналарни группа усулида ишлатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу усул пахта нобудгарчилигини ва транспорт воситаларига бўлган талабни 30 процентга қадар камайтиради. Машина теримининг муваффақияти ҳайдовчининг малакасига боғлиқ. Бинобарин, ҳар бир механизатор терим машинаси тузилишини, уни бошқаришини ва иш пайтида айрим қисмларини созлашни мукаммал ўрганиб олиши, техника ремонтида ўзи бевосита қатнашиши, техник қаровини ўз вақтида ўтказиб туриши керак.

П. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институтининг ходими.

МУҚАДДАС БУРЧ

МАНА ёз бўйи фидокорона меҳнат қилган, табиат инжиқликларига қарши мардонавор курашиб, кенг майдонларда мўл ҳосил етиштиришнинг уддасидан чиққан мирқишлоқ пахтакорлар йиғим-теримни бошлашга тайёрланмоқда. Ҳозирги пайтда далаларни бегона ўтдан тозалаб, машина теримига тайёрлаш ишлари ҳам олиб бораяпти. Шунингдек, охирги сувдан кейин ғўза қатор ораларига культивация солиш терим пайтида «зангори кема»-ларнинг эгат ораларида текис юришига қулайлик туғдиради.

Шу кунларда дефолиацияга тайёргарлик қизғин. Ҳозиргача барча дефолиантлар келтириб қўйилди. Шунингдек, бир ярим минг гектар майдондаги ғўза трактор ёрдамида дефолиация қилинади.

Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш механизаторларимизнинг, маҳоратига боғлиқ. Улар машина теримида пахтани тўкмасдан териш учун ҳозирдан тайёргарлик кўришмоқда.

Дала ишларини намунали ташкил этиб, машина теримига пухта ҳозирлик кўраётган деҳқон ва механизаторларимиз бугунги кунда янада ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг нияти ҳар йилгидан мўл ва сифатли пахта териб олишдир.

Х. АБДИЕВ,
Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг директори.
А. ГАББОСОВ,
совхоз бош инженери.

ПАХТАНИ ЁРДАМЧИСИЗ ТЕРИБ ОЛАМИЗ

КОЛХОЗИМИЗ механизаторлари СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Ҳар бир тракторчи зиммасига оширилган мажбурият олган ҳолда ишлаяпти. Пайкалларимизда мўл ҳосил етиштирилмоқда. Ҳар бир тупда шиға-шиға кўсакни санашингиз мумкин.

Тўғри ўтган йили мен бошлиқ звенода чигитни саралаб экишга тегишлича эътибор берилмади. Айрим карталарда вилт касаллиги пайдо бўлди. Бу эса ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлишига олиб келди. Бу йил биз ҳам бошқа звенолар қатори вилтга чидамли «Тошкент» навли уруғ экдик. Ғўзаларимиз ҳашарот билан зарарланмади. Ҳозир саккиз ўнтадан кўсак, санаш мумкин.

Энди ҳосилнинг ҳаммасини «зангори кема» ёрдами билан териб олиш ниятидаман. Биз звено аъзолари билан келишиб олдик: қўл кучи ишлатмасдан, шаҳардан ёрдамчилар олмаган ҳолда пахтанинг ҳаммасини машиналар ёрдами билан йиғиштириб оламиз. Ўтган йили «Ўзбекистон» маркали терим машинаси билан 120 тонна пахта терган эдим. Бу йилги режам 200 тонна.


Ишимизга яраша ҳосилимиз ҳам кўп. Ўтган йили ҳар гектар ердан 23 центнердан пахта топширган эдик, бу йилги режамиз — 40 центнердан. Ҳозир шунга яраша иш кетяпти. Ҳар бир кунни бекорга ўтқазмаяпмиз. Қатор ораларини культивация қилиш билан бир қаторда майдонларни теримга тайёрлаяпмиз. Катта ариқлар ёнидаги дарахт шохлари буталиб, бегона ўтлар юлиб ташланяпти. Карта четлари тартибга солинмоқда. Трактор бурилиб қайтадиган майдончалар ҳам ўз вақтида тахт қилиб қўйилади.

Яқинда ўз касбдошларим Абдусаттор Абдувоҳидов, Турсунбой, Эргашев Деҳқонбой Гулматовлар билан гаплашдим. Фикр ва режаларини сўрадим. Уларнинг ҳам руҳи тетик, ҳосилдан умидлари катта. Азамат дўстларим ҳам ҳосилнинг ҳаммасини қўл кучи ишлатмасдан, машиналар ёрдами билан териб олишга аҳд қилганликларини айтишди.

Шундай экан, биз кучимизга куч қўшиб, ғайрат билан меҳнат қиламиз. Юбилей шарафига олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.

Раҳмжон МЎМИНОВ,
Пискент районидаги Свердлов номли колхозининг механизатори.

ТОННА „ОҚ ОЛТИН“ ХАДЯ ЭТАМИЗ



СУРАТДА: билим юртини муваффақиятли битириб чиқиб, қишлоққа йўл олган бир группа ёш механизаторлар.

А. АБАЛЯН фотоси.

ОҚ ЙЎЛ, ЁШ МЕХАНИЗАТОРЛАР

ИИЛДАН-ИИЛГА қишлоқ хўжалигида механизация роли ортиб бормоқда. Пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда техникага таяниб иш тутилмоқда. У деҳқоннинг мададкори, оғирини енгил қилувчи асосий куч бўлиб қолди.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, йиғим-терим оғир қўл меҳнати талаб қиладиган бошқа ишлар шу туфайли иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали бўлмоқда. Шу сабабли техникадан кўп ва унумли фойдаланаётган хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб, гуркираб ўсмоқда.

Пахтачилик соҳасида техника ролини кўрсатиш учун Ўрта Чирчиқ районини мисолга олиш мумкин. Олдинги йиллари пахтанинг 50—60 процента механизация кучи билан йиғиб олинган бўлса, бу йил район деҳқонлари 70—75 процент ҳосилни пўлат этаклардан тўкишга қарор қилганлар.

Ҳар йили ғўза дефолиация қилинганда химикатлар самолёт ёрдамида сепилиб сув, сабзавот экинлари, меваларни заҳарлаш ҳоллари юз берди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда дефолиацияни трактор ёрдамида ўтказиш ҳар жиҳатдан қулай, деб топилмоқда. Бу йил районда ҳамма майдонлар тракторлар ёрдамида дефолиация қилинади.

Йил сайин қишлоқ хўжалигига механизатор кадрлар кўпроқ керак бўлмоқда. Шу жиҳатдан қараганда биз ҳам бундай кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берямиз.

Партиямиз XXIV съезди қарорларида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда техниканинг роли янада ошажаги қайд қилинган. Кейинги пайтларда партия ва ҳукуматимиз механизатор кадрларни кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Район, колхоз ва совхозларда механизация курслари ташкил этилди. Ўтган йилдан бошлаб бизнинг механизация курсимиз ҳам мустақил қишлоқ профессионал техника билим юртига айлантирилди.

Билим юртимиз 1966 йили Пискентдаги хотин-қиз механизаторлар тайёрлов мактабининг филиали тарзида ишга тушган эди. Бу йиллар ичида анчагина ёшларга механизация касби ўргатилди. Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ районларига 1442 дан ортиқ механизатор кадр тайёрлаб берилди.

Ўтган йили билим юртини 210 киши муваффақиятли битириб, механизатор гувоҳномасини олишга муяссар бўлди. Педагогик коллективимиз ёшларга пухта билим бериш, уларни меҳнатсевар, ўз касбининг устаси қилиб тарбиялаш йўлида тинмай меҳнат қилмоқда. Ўқув ишларини тобора яхшилаш ёшларнинг етарли билим олишлари учун қулай шарт-шароит яратиб бериш йўлида ҳам яхшигина ишлар амалга оширилмоқда.

Билим юртида ўқув ишлари кабинет системасига ўтказилган. Ҳозирги пайтда бешдан ортиқ кабинет асбоб-ускуна билан жиҳозланиб, қўйилган. Трактор, қишлоқ хўжалиги, терим машиналари ва агрономия кабинетлари шулар жумласига киради.

Билим юрти бу йилнинг ўзида анча кенгайди. Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» ва Янгибозорда янги филиаллар очилиб, механизатор кадрлар тайёрлана бошланди. Бу йил 354 ёш йигит-қиз билим юртини муваффақиятли тамомлади.

Билим юрти қошида экскаваторчилар курсининг очилгани ҳам яхши бўлди. Кейинги пайтларда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг захини қочириш йўлида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Янги ариқ-зовурлар қазиш, эскиларини тозалаш ишлари экскаватор зиммасига юклатилади. Шунинг учун ҳам юқоридаги курсга экскаваторчиларни тайёрлаш вазифаси қўйилган. Курсни бу йил 24 киши битириб чиқади.

Билим юртимизда дарсхоналарда олинган билим трактор ва машиналарни ҳайдаш, механизмларни ўрганиш билан мустаҳкамланади. Бундан ташқари, ўқувчилар хўжаликларга тўрт ой муддат билан практик машғулот ўтказиш, учун борадилар. Бу йил райондаги Энгельс номли, «Ленин йўли», Ленин номли, Калинин номли, Куйбишев номли, Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозларида шундай машғулотлар ўтказилди. Бу хўжалик далаларидан билим юрти студентлари 2,5 минг гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов беришда ва техника ремонтида актив иштирок этдилар.

Яқинда билим юртини битирувчилар билан хайрлашув кечаси ўтказилди. Бу кечада механизаторлик касбини эгаллаган ёшларимиз қишлоқ хўжалиги ишларида актив иштирок этиш, пахтакорларга доимий яқиндан ёрдам беришга сўз бердилар. Бу шарафли касбни эгаллаган ёш механизаторларга билим юрти коллективи оқ йўл тилади.

С. ЕДГОРОВ,
Ўрта Чирчиқ райони 42-сон қишлоқ профессионал техника билим юрти директори.

АКА-УКА КАПИТАН

ДЕПУТАТ билан бўлган суҳбатимиз қисқа бўлди. У бизнинг саволимизга «Далани айланиб кўрамиз», деб жавоб қилди.

Кенг, яхлит карталар. Кафтдек текис ерда деҳқончилик қилинмоқда. Ғўза ривожи ва ҳосил тўплаши чакки эмас. Бу ерда чеканка қилинмай қолган бирорта ғўзани тополмайсиз. Кечагина культивациядан чиқарилган пайкалларни оралаб кетяпмиз. Механизатор сифатли культивация қилиб кетган қаторларда тупроқ қизиб, ҳосил тугунчалари яна кўпаяпти.

Ҳамроҳимиз билан ўртача ҳосилга эга бўлган бир туп ғўза кўсакларини санай бошладик. 12 шох! Ҳаммасида ҳам кўсак бор. Баъзиларда 4—5 тадан. У бизни апрелнинг иккинчи ярмида экилган картага бошлади. Эртаги уруғ эртилгини қилибди, барвақт шоналаб гулга кирган. Кўсаклар очила бошлабди.

— Уч-тўрт кундан кейин деди звено бошлиғи, пахтазоримиз гўё оқ чойшабга бурканади. Кун исиган сари кўсаклар тезроқ очиларкан. Биз чаноқларда очилган «оқ олтин»ни олиб салмоқлаб кўрдик. Чигити тўла, толаси узун. Тарози босар. Ҳар бир чаноқдаги лўппи-лўппи пахта бемалол 6—7 грамм келади.

«Оқ олтин» чаноқлари! Булардан граммлар, килограммлар, тоннолар пайдо бўлади. Осмонўпар ғарамлар қад кўтаради. Минг-минглаб тракторлар, прицеплар «оқ олтин»ни ортиб, заводларга тезроқ элтишга ошиқади.

— Юбилей йилида,— дейди звено бошлиғи,— планимизни ўзгартириб юбордик. Бошқалардан орқада қолмасликка ҳаракат қилдик. Эллиқцентнерчилар ташаббусига қўшилиб, мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик. Планга мувофиқ ҳар гектар ердан 29 центнердан пахта топширишимиз керак. Лекин, йил бошидан бери план юзасидан иш олиб бормадик. 68 гектар ернинг ҳар гектаридан эллик центнердан пахта етиштириш юзасидан кураш бошладик. Шунга яраша ғўзани парвариш қилдик, озиқлантирдик. 6 мартадан культивация қилдик. Шарбат сувини аямадик. Меҳнатимиз зое кетмади. Мўл ҳосил учун бошлаган курашимиз мана энди дастлабки самарасини кўрсатиб турибди. Ҳосил кўп. Ўтган йили 170 тонна пахтани машинада терib берган эдим. Бу йилги мажбуриятим—250 тонна. Ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга тайёргарликни кучайтириб юбордик. Техникамиз мавсумга тахт. Бу йил мен ғўзани дефолиация қилишни ҳам ўз зиммамга олдим. ОУН аппарати ёрдамида ғўза баргини туширамиз.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, илғор механизатор Анвар Шохбозов бошлиқ звенодан кайтар эканмиз, колхоз партия комитетининг секретари Асомиддин Мирахмедов қўшни звено пахтазорига таклиф қилди. Яна дала айландик. Бу звенога Анварнинг укаси Сарвар Шохбозов раҳбарлик қилар экан. Звено бошлиги пахтадан мўл ҳосил етиштиришда акаси билан мусобақа ўйнаган. Дала айланиб мусобақадошлар фидокорона меҳнатининг гувоҳи бўлдик. Сарвар трактор рулини бошқариб, ғўзани сўнгги культивациядан чиқармоқда. Звено аъзолари эса экинларни теримга тайёрлашяпти. Бегона ўтларни юлиб, машинага йўл очишмоқда. Ер ғарчиллаб, ғўзалар ўсиб ётибди. Ҳамма ишлар ўз вақтида бажарилаётганлиги кўриниб турибди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, илғор механизатор Анвар Шохбозов бошлиқ звенодан кайтар эканмиз, колхоз партия комитетининг секретари Асомиддин Мирахмедов қўшни звено пахтазорига таклиф қилди. Яна дала айландик. Бу звенога Анварнинг укаси Сарвар Шохбозов раҳбарлик қилар экан. Звено бошлиги пахтадан мўл ҳосил етиштиришда акаси билан мусобақа ўйнаган. Дала айланиб мусобақадошлар фидокорона меҳнатининг гувоҳи бўлдик. Сарвар трактор рулини бошқариб, ғўзани сўнгги культивациядан чиқармоқда. Звено аъзолари эса экинларни теримга тайёрлашяпти. Бегона ўтларни юлиб, машинага йўл очишмоқда. Ер ғарчиллаб, ғўзалар ўсиб ётибди. Ҳамма ишлар ўз вақтида бажарилаётганлиги кўриниб турибди. Кўсакларни бир текис очилтириб олиш, дефолиацияни ўз вақтида ўтказиш, теримнинг муваффақиятли ўтишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бригадамиз аъзолари бутун кучни йиғим-теримни пухта ҳозирлик билан кутиб олиб намунали ўтказишга қаратишган.

С. ГУЛАҲМЕДОВА,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Касбимиз—фахримиз



МЕН ўн икки йилдан бери пахтачиликда ишлайман.

Аввал звенога бошчилик қилдим. Звеномизда пахтачиликни комплекс механизациялашга кўпроқ эътибор бердик. Шу туфайли деҳқонларимизнинг иши енгиллашди. Асосий оғирликни механизация зиммасига юкладик. Ўзим ерни шудгор қилишда, чигит экишда, ғўзаларни культивация қилишда, пахтани теришда фаол қатнашдим. Шундай қилиб, янги ерда янги «оқ олтин» дурдоналарини кўпайтиравердик. Ҳосилдорлик борган сари ошаверди.

Баҳорда колхоз правленияси ва партия ташкилоти мени чақириб, саккизинчи бригадага бошлиқ қилиб тайинлашди. Йўқ, демадим: ўзимга синашта бўлган кишилар, далалар, эди. Шундан бери бригадага раҳбарлик қилиб, трактор рулини бошқариб келяпман.

Колхозчиларимиз юбилей йилида ёмон ишлашмаяпти. Ишни агротехника талабларига мувофиқ ташкил қилганмиз. Ғўзани суғоришда, чопиқ қилишда ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилдик. Кечани-кундузга улаган ҳолда ишладик. Кўчатларнинг белгиланган қалинликда бўлишига эришдик. Шу билан бирга ҳар туп ғўзада кўпроқ ҳосил тўплашда жон куйдирдик. Турдиали Жабборов, Аваз Раҳимбоев каби сувчилар ишни икки сменада олиб боришди. Ғўзани тунда суғоришга эътиборни қаратдик.

Бундан бир неча кун илгари бригадамиз аъзоларининг йиғилиши бўлди. Ишга бўйин қилган ишларимизни якунлаб, йиғим-теримга тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилдик. Бригададаги ҳар бир ишга тегишли кишиларга тақсимландик. Ўз имкониятларимизни қайта кўриб чиқдик, далалардаги ҳосилнинг чўғини хомаки ҳисоб-китоб қилдик. Пландаги 24 ўрнига ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» топширишни ҳақида мажбурият қабул қилдик. Бу мажбурият пахтакорларимиз томонидан яхдиллик билан маъқулланди. Ҳосилнинг 90 процентини техника ёрдами билан териб олишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Мен ҳар йилгидек бу йил ҳам теримда қатнашиб тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинасида ишлайман. Камида 200 тонна пахта тераман. Бригада механизатори Мирали Аҳмедов ҳам ўз зиммасига оширилган мажбурият олди.

Биз йиғим-терим кампаниясига пухта тайёргарлик кўряпмиз. Теримнинг дастлабки куниданоқ унумли ишлашга ҳаракат қиламиз. Биринчи терминг ўзидаёқ планимизни бажарамиз.

Жуман АБДИЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи.

СЎЗ 50 ЦЕНТНЕРЧИЛАРГА

АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

Колхозимиз пахта далаларида мўл пахта етиштириш учун кураш қизғин тус олган. Ҳар бир механизатор, сувчи ва колхозчи ўз ишини масъулият ҳис қилган ҳолда бажаришга ҳаракат қилади. Натижада ғўза парвариши юқори агротехника қондалари асосида ўтказилди. Ғўзаларни сершох, серҳосил бўлишига эришилди.

Бригадамиз пахтакорлари бу йил яхши ният билан 72 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганлар. Бугунги кунда далаларимизда етиштирилган ҳосил мажбуриятни қоплайдиган даражада эканлиги кўриниб турибди. Кўсакларни бир текис очилтириб олиш, дефолиацияни ўз вақтида ўтказиш, терим-теримнинг муваффақиятли ўтишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бригадамиз аъзолари бутун кучни йиғим-теримни пухта ҳозирлик билан кутиб олиб намунали ўтказишга қаратишган.

С. ГУЛАҲМЕДОВА,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



ҲАММА НАРСА ТЕРИМГА ТАХТ

Йиғим-теримни қисқа муддатда сифатли ўтказиш терим машиналарини мавсумга пухта шайлашга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу йил терим машиналар ремонтига алоҳида эътибор берилди. Ремонтдан чиқарилган ҳар бир трактор қайта-қайта синовдан ўтказилди. Механизмлари бир-бир кўздан кечирилди.

Терим машиналарини унумли ишлатиш механизаторнинг маҳоратига боғлиқ. У ўз машинасини яхши ремонт қилган бўлса, терим пайтида уни авайлаб ишлатса, иш унуми юқори бўлади.

Бу йил бригадамиз деҳқонлари 100 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштиришдан. Ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганмиз. Бу ишнинг уддасидан чиқиш ҳар бир колхозчининг ҳаракати, меҳнатига боғлиқ.

Машина теримининг муваффақиятли ўтиши учун ҳозирдан бошлаб қизғин меҳнат қилинаяпти. Карталар бегона ўтлардан тозаланди. Карта четларидаги ўқ ариқлар текисланмоқда. Хирмонлар ремонтдан чиқарилаяпти. Ҳамма юқори ҳосил ишқи билан тер тўкмоқда.

А. САНГИНОВ,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг бригада бошлиғи.

ДЕФОЛИАЦИЯ СИФАТЛИ ЎТСИН УЧУН

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг савдо базалари ғўза баргини тўктириш учун дефолиантларни кўплаб ташиб келтира бошлади.

Бу йил кузда республика химизаторлари машина теримига ажратилган 1,3 миллион гектар майдондаги ғўза баргини тўктиришлари керак. Йиғим-теримда қатнашадиган «зангори кемалар»га йўл очишда ғанимат кунлардан унумли фойдаланиш мақсадида дефолиацияни қисқа муддатларда ўтказишга қарор қилинди.

«Узсельхозтехника»нинг савдо базалари хўжаликларга беш мингдан ортиқроқ қўлда ишлатиладиган аппаратлар, экинни ердан туриб химиявий дорилаш учун керак бўладиган кўпдан-кўп трактор чанглагич-пуркагич аппаратларини етказиб бердилар. Бу аппаратлар Тошкент, Львов ва бошқа шаҳарлардаги корхоналарда тайёрланган. Колхозлар билан совхозларнинг устахоналарида ремонт қилинган минглаб аппаратлардан ҳам ғўза баргини тўктиришда фойдаланилади.

Ғўза баргини тўктиришга қишлоқ хўжалик авиацияси ҳам тайёрланмоқда. Қишлоқ хўжалиги авиацияси учун самолётлардан яхшироқ ва самарали фойдаланиш имкониятини берадиган катта-катта пахта майдонлари ажратилди.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Эртага бутун мамлакатимиз Шахтёрлар кунини нишонлайди.

КПСС XXIV съезди янги беш йилликда кўмир саноати меҳнаткашлари олдига улкан ва масъулиятли вазифалар қўйди. Мамлакатимизда 1975 йилга бориб кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 695 миллион тоннага етказиш, кўмир саноати корхоналарини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан меҳнат унумдорлигини анча ошириш назарда тутилмоқда.

Барча касбдошлари қатори бизнинг 9-шахта коллективи ҳам ана шу тарихий вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаган. Барча участкалар ва забойларда кўмир оқими тобора кўпайиб бормоқда. Комплекс механизациялашган қурилмалар ишимиз натижасининг кескин яхшиланишига ёрдам бермоқда.

СССР ташкил топганининг олтин тўйига катта-катта совғалар билан келиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборган кончиларимиз ўз байрамларини муносиб нишонламоқдалар. Саккиз ойлик «қора олтин» реализация қилиш плани муддатидан анча илгари адо этилди. Халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қўшимча 25 эшелондан кўпроқ ёқилғи жўнатилди.

Шахта участкаларида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракати иштирокчилари меҳнатда касбдошларига ўрнак бўлишяпти. Айниқса, навалоотбойчи Файзулла Ёқулов номи коллектив тилидан тушмаяпти. Тошкент самолётсозлик заводининг донгдор фрезерчиси Альбина Александровна Девятова Загорский ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар нормани муддатидан бир соат илгари бажаришяпти ва тежалган вақт ичида тонналаб ёқилғи қазиб чиқаришяпти.

Кончиларимиз тўққизинчи беш йиллик режаларини амалга ошириш, коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини яратиш юзасидан бораётган умумхалқ ҳаракатида бундан буён ҳам фаол иштирок этадилар.

А. ҒАФФОРОВ,
Ангрендаги 9-шахта навалоотбойчиси.

ЭРТАГА — ШАХТЁРЛАР КУНИ

ВАҚТДАН ЎЗАЁТГАНЛАР

Эрта тонг... Кўмир разрезидаги экскаваторларнинг ҳайқириқлари олис-олисларга тарапади. Улкан чўмичини кўмир қатламига ботириб, «қора олтин» қазиётган машиналардан бирини илғор машинист Одил Абляметов бошқаряпти. Биз унга халақит бермай қўли бўшашини кутиб турдик. Кўп ўтмасдан кўмир ортилган состав белгиланган манзил томон йўл олди. Машинист билан салом-аликдан сўнг, мақсадга кўчдик. Бироқ, у «вақт тиғизроқ» дегандек, маъноли қараб қўйди. «Саволларни бераверинг» деганча экскаваторга чиқди. Одил иш жойини тоғ жинсларидан, юклаш пайтида тушган йирик кўмирлардан тозалашга киришди.

— Разрезда бу касбда ишлаётганингизга неча йил бўлди? — деб сўраймиз ундан.

— 23 йил, — дейди машинист ковшдан кўзини узмай.

— Ютуқларингизнинг «сири» нимада? — сўрадик яна.

— Асосан иш жойини ҳозирлаб қўйиб, экскавация циклини қисқартиришга боғлиқ. Авваллари экскаватор чўмичини ер қатламига ботириб, тўлдирилган кўмирни вагонга ортиш учун 11—12 секунд керак эди. Биз ишни тезлаштириш йўлларини топиб, бир циклни 7—8 секундга олиб келдик, бунда 3—4 секунд вақт тежалди. Бу, бир сменада қарийб 30—40 минут вақтни тежаб қолиш ва бу вақт ичида қўшимча 40 кубометр кўмир ортиш имконини беради.

Суҳбат тамом бўлиши билан оқ, узоқдан составлар кўрина бошлади. Одил экскаватор чўмичини кўмирга тўлдирди-да, уни темир йўл томонга тўғрилаб қўйди. Ў билан хайрлашар эканмиз, ишларига муваффақиятлар тиладик.

«ЭКГ—4У» маркали экскаваторда ишлаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ҳўжа Алиқуловнинг ҳам қўли-қўлига тегмасди. Машинист ишга чунонам берилган эдики, ҳатто кузатиб турганимизни ҳам сезмади. Унинг вақтини олмаслик учун қайтишда Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ангрен» разрез-парамалаш бўлимига кириб, юқорида номлари айтилган икки экскаватор машинистининг кўрсатгичлари билан танишдик.

Одил Абляметов ҳозир 1973 йил ҳисобига, Ҳўжа Алиқулов эса 1974 йил ҳисобига меҳнат қилишаётган экан.

Ҳа, Ангрен шахтёрлари чиндан ҳам бу йил ҳар қачонгидан ҳам баракали меҳнат қилиб, ўзларининг кумуш тўйларини муносиб нишоламоқдалар: улар бу йил шахтёрлар кунини 25 маротаба байрам қиладилар!

Шаҳар байрам либосида. Разрез, шахта бинолари пештоқида «Бу йил байрамимизни 25 марта нишонлаймиз!», «Совет шахтёрларига шон-шарафлар!» деган шиорлар яққол кўзга ташланади. Ангрен шахтёрлари СССРнинг 50 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришларида уларга муваффақиятлар тилаймиз.

И. АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

САЛОМ, ОЛИМПИАДА

Бугун Мюнхенда янги олимпия стадионида XX Олимпиада машъаласи ёнади. Уни қуйи Баварияннинг Оренцел қишлоғилик 18 ёшли енгил атлетикачи Гюнтер-Цан ёқади. Қадди-қомати келишган, одим олиши нафис Гюнтернинг стадионнинг 162 та зинапоясидан кўтарилиб, махсус косачада ўт олдириши тантанали маросимини ер шарининг юз миллионлаб кишилари телевизор экранларида кўрадилар.

Олимпия ўйинлари давримизнинг энг катта спорт мусобақалари ҳисобланади. Унинг стартларига жаҳоннинг энг яхши атлетлари чиқадилар. Энг кучли, энг мард ва жасур спорт шунқорлари ўртасида қизғин баҳс кетади. ган олимпия майдонлари узра бир-бирига туташиб кетган беш ҳалқали оқ байроқ 15 кун давомида ҳилпираб туради. У ер юзидаги беш қитъа спортчиларининг жипслиги рамзидир.

Мюнхен ва Килдаги олимпия қишлоқлари узра 123 мамлакат — олимпия қатнашчиларининг байроқлари кўтарилган. Бу ўйинлар учун рекорд рақамдир.

Ҳозирги олимпия ҳаракатининг прогрессив ғоялари совет спортчилари қалбига яқин ва тушунарлидир. Улар олимпия ўйинларида планетамиз кишиларининг тинчлик, дўстлик ва биродарлик учун курашувчи кучларини бирлаштиришнинг яна бир имкониятини кўрадилар.

Бу йилги ўйинлар ҳар қачонгидан ҳам қизиқарли ўтиши ва кенг программада бўлиши кутилмоқда. Олимпиада арафасида қайд қилинган спорт кўрсатгичлари программанинг барча турида ғоятда қизғин ва шиддатли баҳс кетишидан далолат беради. Олимпиададан-олимпиадага «олтин»нинг қадри ортмоқда, уни қўлга киритиш қийинлашмоқда. Ғолиблар учун белгиланган ҳар бир медаль учун—ҳурмат шоҳсупасига кўтарилиш учун ўнлаб спортчилар даъвогарлик қилишмоқда. Энг яхшилардан яхшисигина ғолиблик нашидасини суради.

Мюнхенга келган делегациялар ўртасида СССР, АҚШ, ГДР ва Япония каби мамлакатларнинг командалари кўп сонли ҳисобланади.

Совет Иттифоқининг 507 энг яхши сараланган спортчиси олимпия майкасини кийди. Мамлакатимиз терма командасида барча қардош республикаларнинг вакиллари бор. Улар ватанимиздаги 26 миллат фарзандларидир. Шунингдек, делегациямизда 100 га яқин тренер ва бошқа спорт мутахассислари, турли мусобақаларни ўтказиш ҳуқуқи бўлган 39 совет судьяси бор.

Миллионлаб спорт шинавандалари шунга қаттиқ ишонадиларки, янги чемпионлар орасида совет спорти ўқ-талари ҳам бўладн. Хельсинкида, Мельбурнда, Римда, Токиода, Мехикода бўлгани каби Мюнхенда ҳам Ватанимиз спорт шарафи муносиб ҳимоя қилинади.

Биз олимпиячиларимизга катта муваффақиятлар тилаб, уларнинг ғалабаларини сабрсизлик билан кутамиз.

МЕДАЛЛАР ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА

XX олимпия ўйинларида 195 олтин медаль учун кураш кетади. Спорт турлари бўйича медаллар қуйидагича тақсимланади:


Енгил атлетика бўйича 38, сузиш, сувга сакраш ва сув полоси бўйича 34, яркин ва классик курашдан 20, гимнастикадан 14, боксдан 11, эшкак эшиш ва каноэдан 11, оғир атлетикадан 9, мерганликдан 8, қиличбозликдан 8, велосипед спортидан 7, академик эшкак эшишдан 7, дзюдодан 6, чавандозликдан 6, елкан спортидан 6, волейболдан 2, замонавий беш курашдан 2, камон отишдан 2, баскетболдан 1, қўл тўпидан 1, футболдан 1, ўт устида хоккейдан 1 олтин медаль ўйналади.

Совет спортчилари ўт устида хоккейдан ташқари ўйинларнинг ҳамма программасида мусобақалашадилар.

Ватанимиз спортчилари 1952—1968 йиллар давомида Олимпиада ўйинларида 459 та медални қўлга киритган эдилар. Шулардан 161 таси олтин, 151 таси кумуш ва 147 таси бронза медалларидир.



Эльвира САЪДИЙ.



Александр ЮДИН.

ТОШКЕНТДАН МЮНХЕНГА

Мюнхенга йўл олган Совет олимпиячилари сафида Ўзбекистон спортининг байроқдорлари ҳам бор. Улар Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда ном таратган, қийин «жангларда» ҳурмат шоҳсупасига бир неча бор кўтарилган ёшлар.

Республикамиз гимнастика мухлислари ЭЛЬВИРА САЪДИЙНИ катта умидлар билан жаҳон спортчилари форумига узатиб қўйдилар. 20 ёшли бу қиз Тошкент «Динамо» жамиятининг аъзоси. СССР гимнастикачилари сафида жаҳоннинг бир неча мамлакатларида халқаро мусобақаларда қатнашди. Унинг бу йилги муваффақиятлари бизни айниқса қувонтирди. Мамлакат чемпионатида Эльвира эркин машқлар бажаришда ва бревнода энг юқори баҳо олиб, икки олтин медалга сазовор бўлди. Эльвира Ўзбекистон физкультура институтининг студенти.

Ўзбекистон чавандозлари ҳақида гап кетганида энг аввало МАМАЖОН ИСМОИЛОВнинг номи тилга олинади. Спортимиз ветерани ҳамон ўз соҳасининг етакчиларидан эканлигини бу йилги чемпионатда яна бир карра намойиш қилди. Ҳамшаҳримиз ўзининг Трест ҳамда Амур лақабли отларида жуда кўп рақибларини орқада қолдириб кетди. Тошкент чавандозлик мактабининг тренери Мюнхенда ҳам бор кучини ишга солиб, ҳамшаҳарларимизни ҳушнуд этади, деб ўйлаймиз.

Классик курашчи РУСТАМ КАЗАКОВ ўз вазнида жаҳон полвонлари орасида икки марта биринчиликни олган. У жаҳон чемпиони фахрий номи ёнига олимпия чемпиони унвонини ҳам қўшиб қайтиш ниятида.

Тошкентнинг «Автомобилчи» волейбол командасининг капитани ВЕРА ДУЮНОВА олимпия ўйинларида иккинчи бор қатнашмоқда. Хизмат кўрсатган спорт мастери Дуюнова командадош дўстлари билан чемпионлик номини сақлаб қолиш учун курашади.

Ўзбекистон физкультура институтининг 5-курс студенти АЛЕКСАНДР ЮДИН олимпия олди мусобақаларида мамлакатимизнинг энг кучли вело пойгачиларидан бири эканлигини кўрсатди. СССРнинг икки карра чемпиони бўлган бу спортчидан олимпиа мусобақаларида ҳам қувончли натижаларни кутамиз.

Ўзбекистон олимпиячилари сафида шунингдек, самарқандлик боксчи халқаро классли спорт мастери НИКОЛАЙ АНФИМОВ ҳам бор.

Ғалабалар ёр бўлсин, азиз ҳамшаҳарлар!

БУГУН ВА ЭРТАГА

Бугун XX Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлади. Уни «зангори экран» орқали маҳаллий вақт билан соат 19.50 да кўриш мумкин.

Эртага — мусобақанинг биринчи куни иккита олтин медаль ўйналади. Биринчи чемпион отиш майдонида аниқланади.

Маълумки, кейинги олимпиадаларда мерганлик бўйича Совет Иттифоқи ва Финляндия спортчилари муваффақиятли кураш олиб боришлар. Улар навбатма-навбат олимпия биринчилигини қўлга киритдилар. Эртага бу икки мамлакат вакилларидан ташқари Германия демократик Республикаси, Болгария, Чехословакия, Германия Федератив Республикаси мерганлари ҳам асосий даъвогар бўлишлари кутилмоқда.

Ўта енгил вазнли штангачи ҳам олтин медаль билан тақдирланади. Бу вазнда совет штангачиси львовлик Адам Ғнатовдан умидимиз катта.

Эртага Олимпия ўйинларида волейбол, баскетбол, футбол, сув полоси, ўт устида хоккей мусобақалари ҳам бошланади.



ВДР. Вьетнам ерлари йил бўйи ҳосил беради. Ҳозир ҳосили ўриб олинган ерларда яна экиш тараддуди кетяпти. Суратда: Думнинь (Каунгбин вилояти) қишлоқ хўжалик кооперативи аъзолари ерни шоли экишга тайёрламоқдалар.

ВИА—ТАСС фотоси.

Жаҳон янгиликлари

„БАЖТА" АНСАМБЛИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ПАРИЖ, 24. Франциянинг Конфолан шаҳрида ўтказилган халқаро фольклор фестивалида Дағистон халқ ансамбли «Бажта» артистлари зўр муваффақият қозондилар. Дағистон вакиллари Блуа, Тур, Аркашон ва Франциянинг бошқа шаҳарларида ҳам ўз санъатларини намойиш қилдилар.

„ТАМЕЛЬ" ДВИГАТЕЛЛАРИ

ВАРШАВА. Тарновадаги «Тамель» заводи ҳар йили камқувват электр двигателлар ишлаб чиқармоқда. Польшанинг машинасозлик, химия ва кончилик саноатида шу моторлардан фойдаланиляпти. Ҳозирги кунда корхона иккинчи ёшлигини бошдан кечирмоқда. Цехлар реконструкция қилинмоқда. Ишлаб чиқариш процесслари такомиллаштирилмоқда. ГДР, Чехословакия ва СССРдан юборилган янги машина-ускуналар ўрнатилмоқда.

«Тамель» заводи цехлари кенгайтирилгач, ҳар йили 800 минг та электр двигатель ишлаб чиқарилади.

ҚАРОҚЧИЛАРЧА ҲАРАКАТ

ХАНОЙ, 24 август. (ТАСС). ВДР Ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот бериб, Америка авиацияси 22 август куни Тхайбинь, Тханьхоа, Нгеан, Хатинь, Куангбинь вилоятларининг ва Виньлинь зонасининг аҳоли яшайдиган кўпгина районларини бомбардимон қилганлигини айтди.

Шу куни «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлар Куангбинь вилоятининг айрим районларига зарба урди. Америка ҳарбий флотининг кемалари Нгеань ва Хатинь вилоятларининг денгиз соҳилидаги районларини ўққа тутди. Ана шу бомбардимонлар ва ўққа тутишлар натижасида тинч аҳолидан бир неча киши қурбон бўлди, кўпгина халқ хўжалик объектлари, уй-жой бинолари вайрон бўлди.

ТЕЛЕФОН—ЗИЙНАТ

КАНБЕРРА. Австралия алоқа министрлиги сўнгги молия йилида 56 миллион доллардан зиёд фойда олди. Бунинг ажабланадиган ери йўқ. Масалан, бу ерда телефон зарурат асбоби эмас, балки зийнат асбоби ҳисобланади ва автомашиналарни рўйхатга олдириш учун қанча тўланса, телефон ўрнатишга ҳам шунча ҳақ тўлашга тўғри келади. «Санди меро» газетасининг шу муносабат билан ёзишича, Австралияда телефонга ҳақ тўлаш жаҳонда энг юқори нархда белгиланган.

ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 24. Жанубий Кореянинг кўпгина районларида ёққан жала сўнгги 47 йил мобайнида ғоят катта тошқин вужудга келтирди. Тошқин етказган зарар 33 миллион долларга боради, деб ҳисобланмоқда. Офат натижасида 400 киши халок бўлди, 130 киши бедарак йўқолди ва 300 минг киши бошпанасиз қолди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Сеулдан берган хабарида шу маълумотлар келтирилади.

МУДҲИШ РЕКОРД

НЬЮ-ЙОРК, 24. 21 август душанба куни Нью-Йоркда мудҳиш бир рекорд қўйилди. Шу куни шаҳарда 13 марта қотиллик қилинди—шаҳар тарихида бир кунда энг кўп киши ўлдирилди. Шаҳар бош медицина эксперти Милтон Хелпернинг сўзларига кўра, ҳамма қотиллик атайлаб ва совуққонлик билан қилинган.

Реклама ва эълонлар

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ БУЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИ

28 АВГУСТДА

„СЕВГИ ДРАМАСИ"

номли янги бадиий фильмини кинотеатр экранларига чиқаради



ФИЛЬМ—УРУШДАН ҚАЙТГАН СОЛДАТНИНГ ТИНЧ-ОСОЙИШТА КУНЛАРДА КЎРГАН КЕЧИРГАНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.



«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

Сценарий муаллифлари — САИД АҲМАД ВА ШУҲРАТ АББОСОВ.

Постановкачи режиссёр ШУҲРАТ АББОСОВ.

ФИЛЬМДА: ПЎЛАТ САИДҚОСИМОВ, АИДА ЮНУСОВА, ХИКМАТ ЛАТИПОВ, ОЙША ЖЎРАЕВА, ЕҚУБ АҲМЕДОВ, ДАВРОН УМАРОВ, НАБИ РАҲИМОВЛАР қатнашадилар.

ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ ВА ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ 27 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 7.15 МИНУТДА САНЪАТ САРОЙИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.45 — Кўрсатувлар программаси. 9.50 — «Бола ва тўп» (болалар учун мультфильм, рус тилида), 10.00 — Болалар учун телевизион театр Л. КАССИЛЬ. «Доим тайёр бўлинглар, жаноб олийлари» (биринчи қисм).

11.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.30 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 17.35 — Болалар учун. «Кинотопишмоқ», 18.35 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида), 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мардлик—мангулик», 19.30 — «Ахборот» информацион программаси.

19.50 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.30 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. «Дала ишлари қундалиги», 22.50 — «Катта ҳаёт» бадиий фильмнинг 1-серияси, рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 10.00 — Бу ғам эмас» (ҳужжатли фильм). 10.30—Телевизион спектакль.

17.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.50 — «Учрашув». Ҳужжатли фильм (рус тилида), 20.20 — «Физкультура ва спорт» (телевизион журнал).

21.00 — «Чорраҳа» (бадиий фильм).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/VIII да Парвона, 27/VIII да Шоҳ Эдип (билетлар сотилган), 28/VIII да Парвоз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/VIII да Хотинимнинг эри, 27/VIII да Катта концерт, 28/VIII да Лаҳма.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Чорбоғдаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Балашин қўшиқлари — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА», (жуфт соатларда).

Самгам (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ромео ва Жульетта (2 серия)—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва Тош (2 серия) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа (2 серия) — НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА», (кундуз соат 12, 5 ва кеч 7 да).

Гамильтон хоним — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11, 1, 3, 5, ярим ва кеч 8.15 минутда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Виннету — апачлар йўлбошчиси (кундуз соат 12, 2 ва 4 да). Кулгили қиз (кеч соат 6 ва 8.45 минутда): — «МОСКВА».

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Гайдук Ангелининг саргузашти—ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гўзал соҳибжамолим — «ЧАЙКА» (кундуз соат 2 ва кеч 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Ёввойи қалб — «ФЕСТИВАЛЬ».

Майерлинг — «ХИВА».

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—03633 ИНДЕКС 64697. Б. 1824.